


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ  
АХБОРОТ ХИЗМАТИ**



**PRESS SERVICE  
OF THE MINISTRY OF  
AGRICULTURE AND WATER  
RESOURCES OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100004, Тошкент ш., Навоий к., 4,  
Тел: (0-371) 239-16-41, 239-17-81  
Факс: 244-23-98, www.agro.uz  
E-mail: matbuot@qsxv.uz

4, Navaiy str., Tashkent, 100004  
Tel: (0-371) 239-16-41, 239-17-81  
Fax: 244-23-98, www.agro.uz  
E-mail: matbuot @qsxv.uz

**ПРЕСС-РЕЛИЗ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 1 июндаги “Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ пойтахтимизда ўтказилаётган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси доирасида жорий йилнинг 13 июль куни “Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг устунлиги” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Конференцияда соҳанинг етакчи олим ва мутахассислари, Бутунжаҳон Сабзавотчилик марказининг Марказий ва Жанубий Осиё худудий идораси ҳамда бошқа халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги вакиллари сўзга чиқиб, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакат қишлоқ ва сув хўжалигини барқарор ривожлантириш стратегияси белгиланиб, бу борада амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида қисқа муддатда соҳада эътиборга молик натижаларга эришилганлиги, жумладан, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ички имкониятлар ҳисобидан қопланиши баробарида, уларни экспорт қилиш салоҳияти ҳам барқарор равишда ошиб бораётганлигини таъкидладилар.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши ўртача 6–7 фоизни ташкил қилаётганлиги, республика аҳолиси сонининг муттасил ортиб боришига қарамай, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмининг бир неча баробар кўпайганлиги соҳада ислохотлар стратегияси нақадар тўғри танланганлигидан далолат беради.

Амалга оширилаётган ислохотлар, яратилган қулай шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлар ҳамда деҳқону фермерларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли, барча турдаги қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳар йили мўл ва сифатли ҳосил етиштирилмоқда. Жумладан, 2015 йилда далаларимиздан 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд дон, 12 миллион 825 минг тоннага яқин сабзавот ва картошка, салкам 2 миллион тонна полиз маҳсулотлари, қарийб 2 миллион 800 минг тонна мева, 1,5 миллион тоннадан зиёд узум маҳсулотлари йиғиштириб олинди. Гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилга нисбатан 106,7%, сут ишлаб чиқариш 107,1%, тухум ишлаб чиқариш 111,1 фоизни ташкил этди.

Бунинг натижасида 1990 йилларда асосий озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини импорт ҳисобидан қоплаган Ўзбекистон бугунги кунда аҳолининг муҳим кундалик истеъмол товарларига бўлган талабини тўлиқ ўзимизда етиштирилган маҳсулотлар

ҳисобидан қондирибгина қолмасдан, балки уларни катта миқдорда экспорт қилиш имкониятига ҳам эга бўлди. Ўтган давр мобайнида аҳоли сони 11 миллиондан зиёд ўсганига қарамай аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,5 карра, картошка 1,9 марта, сабзавот 2,6 баробардан зиёд, мева 6,3 марта кўпайишига эришилди. Бугунги кунда юртимиздан 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар дунёнинг ўнлаб давлатларига экспорт қилинаётир.

Ўзбекистон ўзининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан ташқари, мева-сабзавот ва бошқа кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш орқали хорижий давлатларнинг озиқ-овқат таъминотига ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон БМТ Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилотининг 2015 йил июнь ойида Италиянинг Рим шаҳрида бўлиб ўтган 39-конференциясида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришганлиги, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ютуқлари учун мукофотланган 14 давлатдан бири бўлгани ҳам бежиз эмас.

Юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари захиралари фақат экин майдонларини кенгайтириш ҳисобигагина эмас, балки жаҳоннинг илғор тажрибалари, замонавий ва интенсиф агротехнологиялар татбиқ қилинаётгани, истикболли навлар яратилиб, амалиётга жорий қилинаётгани туфайли мустақамланаётир. Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олим ҳамда мутахассислари томонидан мева ва узумнинг 40 дан ортиқ серҳосил нави яратилиб, Давлат реестрига киритилди. Олма, нок, беҳи, шафтоли, ўрик, гилос, бодом, ёнғоқ, қорағат (смородина) ҳамда қулупнайнинг кўплаб навлари Ўзбекистон Республикасида экиш учун тавсия этилган кишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритиш ва районлаштириш учун тақдим этилди.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институтининг селекционер олимлари томонидан ҳар хил муддатда пишадиган ҳосилдор, юқори сифатли ҳамда касалликларга чидамли сабзавот экинларининг 41, полизнинг 5 та, картошқанинг 6 та янги нави яратилди.

Дунёнинг кўпгина давлатлари ҳавас билан қарайдиган бу ютуқлар замирида Юртбошимиз томонидан республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ички имкониятлар ҳисобига барқарор таъминлаш, шу билан биргаликда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратаётганлиги мужассамдир.

Истикболда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини янада ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016–2020 йиллар даврида кишлоқ хўжалигини қайта шакллантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2020 йилгача бўлган даврда 170,5 минг гектар пахта ва 50 минг гектар ғалла майдонларининг ўрнига озиқ-овқат экинлари экилиши белгиланиб, жорий йилнинг ўзида пахта майдонлари паст рентабелли ерлар ҳисобига 30,5 минг гектарга қисқартирилди.

Умуман олганда, экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020 йилда 2015 йилга нисбатан картошқа етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоиз оширишга эришилади.

Республикада узумчиликни янада ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 мартдаги “2013–2015 йилларда республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қарорга мувофиқ, кейинги уч йил давомида жами 23,5 минг гектар янги токзорлар барпо этилиб, 17,4 минг гектар самарасиз токзорлар реконструкция қилинди.

Кейинги йилларда янги боғлар, шу жумладан, пакана ва ярим пакана (интенсив) мевали боғларни барпо этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунки пакана ва ярим пакана пайвандтагларга уланган мевали дарахтлар кўчатлари тез ҳосилга кириши ҳамда майдон бирлиги ҳисобидан юқори ҳосил бериши билан ажралиб туради.

Мустақиллик йилларида боғ-токзорлар, сабзавот, полиз ва картошка экин майдонларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, агротехник тадбирларини ўз вақтида ўтказиш ва юқори сифатли кўчатлар ва уруғлар навларини экиш ҳисобига ҳосилдорлик 2015 йилда 1991 йилга нисбатан боғдорчиликда қарийб 5,3 баробарга, узумчиликда 3,2 баробарга, сабзавотчиликда 3,8 баробарга, полизчиликда 2,4 баробарга ва картошкачиликда 9,3 баробарга ошди.

Етиштирилган маҳсулотни сифатли сақлаш ва бозорларимизга узлуксиз етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2015 йилда 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Бу 830 минг тоннадан зиёд мева-сабзавотни сақлаш, бозорларимизда нархнинг бир меъёردа бўлишида муҳим ўрин тутмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу маҳсулотларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантиришга қаратилган.


Ҳозирги кунда экин майдонлари оптималлаштирилиб, ҳосилдорликни оширишга эътибор қаратилмоқда. Янги боғ ва токзорлар барпо этилиб, уларга селекционер олимларимиз яратган ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос, курғоқчиликка, касаллик ва зараркундаларга чидамли навлар экилмоқда.

Экспертларнинг қайд этишича, юртимизда етиштирилган мева-сабзавотлар табиий шакар, амина ва органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационада ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги ҳамда хуштаъмлиги билан бошқа минтакаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли даражада юқори туради.

Республикада аҳолисини арзон, сифатли, экологик тоза мева-сабзавот маҳсулотлари билан янада тўлиқ таъминлаш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, етиштирилган маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш бўйича мамлакатимизда катта салоҳият мавжуд бўлиб, амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар ана шу салоҳиятдан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

Конференцияда Ўзбекистон сабзавот-полиз маҳсулотларининг истеъмол сифатлари ва ўзига хос хусусиятлари, мева ва узумларнинг рақобатбардошлик жиҳатларига бағишланган кўплаб мавзуларда маърузалар тингланди.

**ИНФОРМАЦИОННАЯ  
СЛУЖБА МИНИСТЕРСТВО  
СЕЛЬСКОГО И ВОДНОГО  
ХОЗЯЙСТВО РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**



**PRESS SERVICE  
OF THE MINISTRY OF  
AGRICULTURE AND WATER  
RESOURCES OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100004, г. Ташкент, 4, ул Навои  
Тел: (0-371) 239-16-41, 239-17-81  
Факс: 244-23-98, [www.agro.uz](http://www.agro.uz)  
E-mail: [matbuot@qsxv.uz](mailto:matbuot@qsxv.uz)

4, Navaiy str., Tashkent, 100004  
Tel: (0-371) 239-16-41, 239-17-81  
Fax: 244-23-98, [www.agro.uz](http://www.agro.uz)  
E-mail: [matbuot@qsxv.uz](mailto:matbuot@qsxv.uz)

**ПРЕСС-РЕЛИЗ**

В соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по организации и проведению на ежегодной основе Международной плодоовощной ярмарки» от 1 июня 2016 года на площадках столичного выставочного комплекса «Узэкспоцентр» проходит в рамках международных выставок 13 июля текущего года состоится международная научно-практическая конференция на тему «Превосходство плодоовощной продукции Узбекистана».

Выступивши на конференции отмечали, что с первых дней независимости Республики Узбекистан Президентом Ислама Каримова была четко определена стратегия развития сельского и водного хозяйства, направленная на обеспечение продовольственной независимости. То, что в последние годы рост объема выращиваемой сельскохозяйственной продукции составляет 6–7 процентов, и то, что несмотря на постоянный рост численности населения республики, объем производимой продукции на душу населения выросло в несколько раз, подтверждает правильность выбора стратегии реформ в отрасли.

Благодаря проводимым реформам, созданным удобным условиям, продовольственным перференциям и самоотверженному труду наших дехкан и фермеров мы ежегодно получаем обильный и качественный урожай со всех видов сельскохозяйственных культур. В частности, в 2015 года собрана более 7 миллионов 500 тысяч тонн зерна, около 12 миллионов 825 тысяч тонн овощей и картофеля, чуть менее чем 2 миллиона тонн бахчевых, почти 2 миллиона 800 тысяч тонн фруктов, более 1,5 миллион тонн винограда, а также другой продукции.

В результате Узбекистан, который в 1990 годы потребности населения в продовольственных товарах, прежде всего, на зерно, картошку, мясо, молоко и другую продукцию удовлетворял в основном за счет импорта, в настоящее время не только удовлетворяет потребность населения в важных повседневных потребительских товарах за счет продуктов собственного производства, но и имеет возможность экспортировать их в большом объеме. За прошедший период, несмотря на увеличение населения страны почти на 11 миллионов человек, потребление мяса в расчете на душу населения увеличилось в 1,4 раза, молока и молочных продуктов – в 1,5, картофеля – в 1,9, овощей – более чем в

2,6, фруктов – в 6,3 раза. Узбекистан экспортирует более 180 видов свежей и переработанной плодоовощной продукции приблизительно многих стран мира.

Узбекистан не только обеспечивает собственную продовольственную безопасность, но и путем экспорта сельскохозяйственной продукции вносит вклад в продовольственное обеспечение других стран. Этот факт получил высокое признание международного сообщества. Так, на состоявшемся в июне 2015 года в Риме (Италия) 39-й конференции Продовольственной и сельскохозяйственной организации ООН (ФАО), в ходе церемонии награждения государств, добившихся несравненных успехов в достижении Целей развития тысячелетия, наряду с 14 государствами, Узбекистану была вручена специальная награда за достигнутые успехи в обеспечении продовольственной безопасности.

Запасы продовольственных продуктов формируются и укрепляются не только за счет расширения соответствующих посевных площадей, но и путем внедрения передового мирового опыта, современных интенсивных агротехнологий, создания перспективных сортов растений и их выращивания. Учеными и специалистами Научно-исследовательского института садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.Мирзаева выведено 40 высокоурожайных сортов фруктов и винограда, которые внесены в Государственный реестр. Созданы новых сортов винограда, яблони, груши, айва, персика, абрикоса, черешни, миндаля, ореха, смородины и клубники. Они представлены к внесению в Государственный реестр рекомендованных для посева сельхозкультур и их районированию.

Учеными-селекционерами Научно-исследовательского института овощебахчевых культур и картофеля создан 41 сорт урожайных, созревающих в разные сроки и устойчивых к болезням овощей, 5 новых сортов бахчевых и 6 – картофеля.

В основе этих достижений находится особое внимание, уделяемое главой нашего государства вопросам стабильного обеспечения потребностей населения в продовольственных продуктах за счёт внутренних возможностей, одновременно увеличивая объём экспортируемого сельскохозяйственной продукции, что вызывает большой интерес у многих государств мира.

Проводится широкомасштабная работа по дальнейшему увеличению объёма выращиваемой продовольственной продукции в нашей стране в перспективе. В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 29 декабря 2015 года “О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства на период 2016–2020 годы” в период до 2020 года на площади в 170,5 тысяч гектаров, где выращивается хлопок и 50 тысяч гектаров, где выращивается зерно планируется выращивание продовольственных растений, уже в текущем году за счёт низкорентабельных земель площадь хлопковых полей сокращено на 30,5 тысяч гектаров.

В общем в результате полного и эффективного использования этих возможностей в 2020 году в сравнении с 2015 годом будет картофеля увеличится на 35, овощей – на 30, фруктов и винограда – на 21,5 процента.

В дальнейшем развитии виноградарства в нашей республике важное значение приобретает Постановление Президента Республики Узбекистан от 13 марта 2013 года “О мерах по дальнейшему развитию виноградарства в

республике на период 2013-2015 годы”. В соответствии с настоящим Постановлением в течение последующих трёх лет будут воздвигнуты новые виноградники общей площадью 23,5 тысяч гектар, неэффективные виноградники общей площадью 17,4 тысяч гектар – будут реконструированы.

В последующие годы будет обращено серьёзное внимание созданию новых садов, в том числе созданию карликовых и полукарликовых (интенсивных) фруктовых садов. Потому что саженцы фруктовых деревьев привитые к карликовым и полукарликовым подвоям отличаются ранней плодоносностью и высокой урожайностью на единицу площади.

В годы независимости за счёт уделения особого внимания расширению площадей садов и виноградников, овощей, бахчевых культур и картофеля, своевременного проведения агротехнических мероприятий, выращивания высококачественных сортов саженцев и семян в 2015 году в сравнении с 1991 годом урожайность в садоводстве выросло почти в 3,3 раза, в виноградарстве – в 2,5 раза, в овощеводстве – в 1,4 раза, в бахчеводстве – в 1,8 раза и в картофелеводстве – в 2,6 раза. Также валовой продукции произведено в 2015 году в сравнении с 1991 годом: фруктов – почти в 5,3 раза, винограда – в 3,2 раза, овощей – в 3,8 раза, бахчевых – в 2,4 раза и картофеля – в 9,3 раза больше.

В соответствии с Постановлением Президента нашей страны от 12 апреля текущего года “О мерах по совершенствованию системы закупок и использования плодоовощной продукции, картофеля и бахчевых культур” определены ряд важных мер по переработке выращенных фруктов, овощей, картофеля и бахчевых культур, дальнейшему стабильному обеспечению этой продукцией внутреннего потребительского рынка, и, одновременно, по дальнейшему увеличению объёма их экспорта.

Уделяется большое внимание хранению и непрерывной поставке на рынки выращенной продукции. В 2015 году были установлены и модернизированы 114 новых холодильных камер вместимостью 77 тысяч 800 тонн. Это способствовало хранению более 830 тысяч тонн фруктов и овощей и стабильности цен на рынках.

Эксперты отмечают, что выращенные в нашей стране овощи и фрукты отличаются от выращенных в других странах богатым содержанием природного сахара, аминокислот, витаминов, необходимых для здоровья микроэлементов и незаменимых в продовольственном рационе биологических веществ.

В нашей стране имеется большой потенциал для полного обеспечения населения нашей республики дешёвой, качественной, экологически чистой фруктовой и овощной продукцией, увеличения объёма экспорта, переработки выращенной продукции, проводимые широкомасштабные мероприятия дают возможность для дальнейшего эффективного использования этого потенциала.